

изор изорлар билангина кирсинлар. Аёлларни улардан ман қилинглари. Магар бемор, нифосли бўлсалар, майли», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Мажалар ривоят қилганлар.

Бу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келажакда бўладиган ишлардан хабар берганлар. Бу эса у зотнинг пайғамбарлик мўъжизаларидандир. Дарҳақиқат, ҳадисда айтилган башорат воқеликда содир бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобаи киромлар ажам юртларини фатҳ қилдилар. Мазкур «ҳаммом» деб аталадиган уйларни ҳам кўрдилар. Улар ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини амалга оширдилар.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, ўша пайтда ҳаммомлар жуда кам бўлган. Борлари ҳам, ҳукмдорларга хос бўлиб, аслида фисқу фужурнинг, ифлосликнинг уяси эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни ҳаммомга киришдан эҳтиёт бўлишга чақирганлар. Шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилиб, авратларини тўсган ҳолда киришни тайинлаганлар. Аёлларга эса фақат беморликда ва нифосдан покланиш каби тиббий мақсадлардагина рухсат берилган.

Мусулмонлар бу кўрсатмаларга амал қилиб, ҳаммомларни ислонийлаштирдилар. Уларда ношаръий ишлар бўлмаслиги учун барча чораларни кўрдилар. Ислоний ҳаммомлар ҳақиқий поклик ва саломатлик масканларига айланди.

Бунга тарих шоҳид. Салбчилар Андалус (Испания) мусулмонларини аямай, бирма-бир тиғдан ўтказиб, уйларини хароб қилишганда ҳар бир уйда ҳаммом борлигини кўриб, «Бу нима экан?» деб ҳайрон бўлишган. Чунки у вақтларда овруполикларда ювиниш гуноҳ ҳисобланар эди. Мусулмонлар дунё маданиятининг етакчилари сифатида бу ишни ҳам қойиллатиб, ўрнига қўйган эдилар.

Мусулмон фуқаролар эса умумий ҳаммомларга тааллуқли ҳукмларни ҳамма учун қоида сифатида ишлаб чиққанлар. Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бу ҳукмлар билан танишиб чиққан одам Ислон маданияти қай даражага етганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Ҳозиргача Ислоний ҳаммомларнинг «турк ҳаммомлари» номи билан бутун дунёга машҳурлиги фикримизнинг далилидир. Келинг, қисқача бўлса ҳам, ана шу умумий ҳаммомлар ҳукми билан танишиб чиқайлик:

«Ҳаммомларнинг яхшиси ўзи баланд, суви чучук, ҳарорати мўътадил, хоналари ўртача ва биноси қадим бўлгандир.

Эр кишилар учун ҳаммомга киришга рухсат. Уларга у ерда ҳалол бўлмаган нарсалардан кўзларини тийиш вожибдир. Шунингдек, ўз авратларини беркитмоқ ҳам вожибдир. Агар бировнинг авратини кўришдан, бировга авратини кўрсатишдан саломат бўлишига ишонмаса, ҳаммомга бормасин. Умумий ҳаммомларга иштон (лунги)сиз кириш ҳаромдир» ва ҳоказо.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан